

"Мен бир нарсага аминманки, ҳеч бир халқниро қудрати, машҳурлиги, буюклиги, халқаро обрў-этибори ундаги тўпларнинг ёки бошқа қурол-яроқларнинг сони билан ўлчанмайди. Уларни авваломбор, миллатнинг соғломлиги, маънавий ва моддий салоҳияти ва кучи билан ўлчамоқ керак".

Ислом КАРИМОВ

Бирок ҳамма нарса тақосланганда ойдинлашади. Бундан бир минг олти юз ўн уч йил илгари — 394 йилда Рим императори Буюк Феодисий I Олимпиада ўйинларини кўп худлолиқлар байрами, деб уларни маън этиш тўғрисида фармон чиқарганида бу мусобақаларнинг **икки юз тўқсон учинчиси** (!) ўтказишга тайёргарлик қўрилайтган эди. Холбуки, бу ҳисоб ҳам барча Олимпиада ўйинларини қамраб олган.

Тарихчилар бизга қадар сақланиб қолган турли манбаларни, шу жумладан юнон ривоятлари, ўша давр адаблари асарларини таҳлил этиш асосида энг кўна Олимпиада ўйинлари билан боғлиқ тўрт даврни ажратиб кўрсатадилар.

Биринчиси — қахрамонлик даври ҳисобланиб, ривоят-

ған энг кўна тасвирлари қўлэмалар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан истаганча мисоллар келтириш мумкин. "Авесто"нинг ўнлаб асарлар ўз муҳрини қолдирган саҳифаларида Ахурамазда билан Анхрамайну ўртасидаги муросасиз кураш нафақат яхшилик ва эзулик билан ёмонлик ва ёвузликнинг, балки маъқул хулқ билан номақбул хулқнинг, нурафшон ер усти билан зулмат ер ости кучларининг қарама-қаршилигидир. Бу, чуқурроқ мушоҳада юритилса, моҳият жиҳати буйича комил инсон учун курашдир.

Яхшилик илоҳи Ахурамазда ер устида ҳаммаша баҳор бўлиши, "эзгу фикр", "эзгу сўз", "эзгу амал" қарор топиши учун рақиби, ёвузлик тимсоли бўлган илоҳ Анхрамайнуга қарши туриши, англашимизча, ўша энг кўна давр аждодларимизнинг ҳам жисмонан бақувват, табиат офатларини ганимлар ҳужумларига бардош бера оладиган, шу билан бирга ўзида эзгу хислатларни мувассамлаштирган одам тўғрисидаги орзу-умидларининг ўзига хос ифодасидир.

Буюк алломамиз Фаробий ҳам ўзининг "Фозил инсонлар шаҳри"ни фақат элатни бирлаштирувчи давлат ҳолида тасаввур этибгина қолмасдан, энг аввало унда юқори маданиятли, қонунни ҳурмат қилувчи, ахлоқий камолотга эришган, яъни гўзал инсоний фазилатлари билан ажралиб турадиган фуқаролар аҳил ва иноқ яшашлари тўғрисидаги орзулари ушалишни назарда тутганди. Фозил инсонлардаги бу қомиллик, улуг ватандошимиз фикри-

рифи билан айтганда "халоскор" ҳамдир. Афлотун (Платон)нинг эътирофи этишича эса, у "қонун таянчи"дир. Зевс туғилган ўз фарзандларини ютиб юборадиган отаси Кронос ва титанларни мағлуб этгандан сўнг оламни ўзгартаришга киришади. Учинчи авлод олий маъбудиди одамлардаги қусурлар билан муроса қила олмади. Шу сабабли у Ерга сув бостиради. У янги, ўзи орзулаган комил инсонлар оламини яратишга киришади. Зевс вужудга келтирган илоҳлар дунёни тартибга сола бошлади, ўзи эса адолатли қонун-қоидаларни жорий этади, фан, санъатга ҳомийлик қилади.

Тўғри, ҳар тарафлама мукамаллик, кўна юнонликлар тасаввурда, фақатгина маъбудлар ва афсонавий қахрамонларгагина хос бўлган. Бунинг тимсоли сифатида афсонавий Гераклнинг ўн икки қахрамонлигини келтириш мумкин. Энг қадимий юнон ривоятларида бири қахрамоннинг факуллода хислатлари диққатни тортмай қолмайди. Геракл мўъжизавий, аммо вайронкор кучга эга турли маҳлуқларни енгади. Ўзи югуришда оҳудан ҳам ўзиб кета олади, қамондан беҳато ўқ узади, ҳар қандай паҳлавоннинг курагини ерга текизади. Шу билан бир қаторда у санъат илосланди ҳамдир. Афсонавий қахрамон кифара (қадимий юнон чолғуси) чалишни ўрганган, ҳайкалтарошликка қизиққан.

Бу ўша давр кишиларининг ҳам бекиёс жисмоний кучнинг ўзигагина инсон мукамаллиги мезони бўла олмаслиги тўғрисидаги тасаввурларига ёрқин мисолдир. Шунинг учун ҳам биз афсонавий юнон қахрамонлари Геракл, Аполлон, Одиссейларнинг мукамал тана тузилиши, кучга эга бўлишлари — жисм гўзаллиги билангина завқланмаймиз. Уларнинг маънавий қиёфалари янада жозибалироқдир. Юнонларнинг ўзлари, хусусан, Аполлонни ҳам санъат ва бадий илоҳом маъбудиди ҳам инсон жисмоний камолотининг олий тимсоли, деб билганлар.

Шу сабабдан инсон қомиллиги намойиши Олимпиада ўйинларининг асосий гоёси бўлганлиги тасодиф эмас. Худди шунинг учун илк умумэлли олий байрамларда спорт майдонларидаги кучлилик, чаққонлик, эҷиллик буйича мусобақалар томошагоҳлардаги мусика, шеърят танловларига улашиб кетган. Бу қадимий юнонларнинг атлет, деб ҳозиргидек бизнинг тушунчимиздаги биргина спортчиларни эмас, шунингдек, мусика, шеърят танловлари иштирокчиларини ҳам аташганлигидан ўз ифодасини топаган.

Олимпиада ўйинлари ўз бағрига стадиондаги югуриш йўлакчаларига, кураш гиламларига чиқадиغان, от-чопарда аравалар пойғасида қатнашадиган бевосита спортчилар билан бирга файласуфлар, мусикачилар, шоирлар, ҳайкалтарошлар, рассомлар ҳам олар эди. Тарихий манбалар Олимп тоғи ёнбағриларидаги театрларда Олимпиада доирасида санъат танловлари, мушоиралар мунтазам ўтказиб келинганигидан яққол далолат беради.

Машҳур тарихчи Геродот бу ерга Афинадан яёв келарди. Математик Пифагор умумэлли спорт мусобақаларида мушт жангида голибликни қўлга киритган. Файласуф Афлотун ўта моҳир гимнастикачи эканлиги билан шухрат қозонган. Олимпиадалар ўртасида ҳар икки йилда бир марта денгиз илоҳи Посейдон шарафига ўтказиладиган машҳур Истма ўйинларида кураш буйича мусобақаларда голиб чиққан.

Шуниси қизиқки, Афлотуннинг асл исми Аристокел бўлиб, устози Суқрот унинг гавдаси полвонларникидек келбатили сабабли (юнонча "платос" — "кенг елкалик" маъносини беради) унга шундай деб ном берган дейишади. Афлотун томонидан фалсафада биринчи марта инсон қомиллиги масаласининг қўйилишига ҳам Олимпиада туртки бўлган, деган асосли фикрлар мавжуд. Чунки унинг ўзи бу мусобақаларнинг инсонни тарбиялашдаги аҳамиятининг бевосита шохиди эди. Олимпиадаларда драматурглар Софокл ва Еврипид, кўна юнон маданияти ва санъатининг барча кўзга кўринган намояндлари бевосита мусобақалар ва танловлар иштирокчилари ёки томошабин сифатида ҳозир бўлганларини бу ўйинларнинг ўша қадимий давр жамиятидаги ўрни ва нуфузига ёрқин мисолдир.

Ҳа, Олимпиадаларда жисмоний қомиллик билан бир

Олимпиада: АСО ҚАДРИЯТЛАР

ПЕКИН 2008 ЙИЛДА НАВАБДАГИ ЭЗГУ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ МЕЗБОНИ БЎЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРЯПТИ. ХИТОЙ ПОЙТАХТИДАГИ БУ КЎЧИЛИК, ЭПЧИЛЛИК, ГЎЗАЛЛИК УМУМЖАҲОН БАЙРАМИ КЎҲНА ОЛИМПИАДАЛАР ВАТАНИ — АФИНАДА 1896 ЙИЛДА ҲАЖОННИНГ ЭНГ ОЛИЙ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЯНА БОШЛАНГАНДА КЕЙИН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИСИ БЎЛАДИ. ЗАМОНАВИЙ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ОЛИМПИАДА ҲАРАКАТИ "ИККИНЧИ БАҲОРИ" ЯНГИ ТАҚВИМИ ВАРАҚЛАНА БОШЛАНГИГА ҲАМ 110 ЙИЛДАН КЎПРОҚ ВАҚТ БЎЛДИ. БУ — ОЗ ЭМАС.

ча, аксарият ҳолларда туғма эмас. Бу фазилатлар асосан одамлар ўсиб-ўлғайишлари жараёнида шаклланиб боради. Демак ўз олдида ана шундай юксак мақсадни қўйган ҳар бир киши маънавий қомилликка эришиш учун ўқиб-ўрганиши, фозиллар насихатларига амал қилиши, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиши учун эса доим машқ қилиб, чиникиб бориши керак. Шундангина ҳам маънавий дунёси бой, билими мукамал, элпарвар, хулқи гўзал, ҳам кучли, эҷил, чаққон, жасур қиёфаси гўзал — руҳий ва жисмоний фазилатлари уйғун шахс камол топади.

Қомиллик орауси халқ достонларида ҳам, миллий қахрамонларимиз — Спитамен, Тумарис, Мангуберди ва бошқалар тимсолида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топаган. "Не-не баҳодирларнинг елкасини ерга теккизган афсонавий Алпомиш, зарбадист Фарҳод ҳақидаги ривоятлар достонлар шунчаки афсона эмас, — деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов, — халқ руҳининг, халқ мардлигининг тимсолидир".

Ҳақиқатан ҳам "Алпомиш" достонини ўқир экансиз, халқ ижодиётининг бу нобъ намунасида миллий тарихимиздаги қахрамонлик воқеалари, таъбир жоиз бўлса, афсонавий либосда намоен бўлади. Алпомишнинг Барчин қўйган шарҳ доврақлиги, паҳлавонлиги ва тасаввурлари гавдаланади.

Худди шунингдек, Алишер Навоий "Ҳамса"сидаги "Фарҳод ва Ширин" достони қахрамони ҳам тоғни талқон қиладиган кучга эга "пўлод бозу" — пўлат билалқидир. Фарҳод шу қадар мерганки:

"Қаро тун гар нишон айлаб Сухони, Фалакча нованига ул нишони", яъни у Хулкар юлдузлар туркумига қирадиган, самода жуда хира кўринадиган юлдузни ҳам аниқ нишонга ола олади. Шу сабабдан Миррих — Марс унинг мерганлигига қойил қолиб олқишлайди.

Фарҳоднинг фазилатлари биргина бу мўъжизали қобилиятлари билан чекланиб қолмайди. Алишер Навоий таърифи билан айтганда, у "замон соҳиб камоли". Достон қахрамони фикрларини баён этганда суҳбатдошларини хайратга солиб, лутфидан гўёки дур — ҳикматлар тўкилади. Яъни бугунги кун таърифи билан айтганда ҳар тарафлама комил инсон.

Улуг бобомиз Амир Темури ўз тузуқларида лашкарни, умуман эл-улусни руҳан ва жисмонан баркамол қилишнинг давлат ва миллат равақидидаги алоҳида аҳамиятини кўрсатиб ўтган. Қадим-қадимдан юртимизда ўтказиб келинган сайлу томошалар бевосита ана шу мақсадларга хизмат қилган. Миллий куй ва қўшиқлар, оқинлар айтишувлари, шоирлар мушоиралари одамларга маънавий озиқ, руҳий мадад берган бўлса, човган, кураш, улоқ, қамондан отиш, тош кўтариш, билак кучини синаш (армерстлинг) мусобақалари, "бўрон", елкада кураш, "минди", "тортишма-чок" каби халқ ўйинлари одамларни чиниктириб, бақувват, эҷил қилишга хизмат қилган. Буюк Амир Темури салтанати даврида жуда оммалашган туркий халқларнинг жанг қилиш санъати — "Турон" яқка кураши билан мунтазам шуғулланиш лашкарга ҳар тарафлама чиникқан, доврақ, сардоқатли аскарларни тарбиялаш ва зифасига хизмат қилган.

Бундан қарий уч минг йил аввал Олимпиада ўйинларининг пайдо бўлиши ҳам бевосита ўша кўна давр жамиятида инсоннинг амалда чеқсиз имкониятлари, унинг руҳий ва жисмоний баркамоллигини намойиш қилиш истаги билан бевосита боғлиқлиги шубҳасиздир.

Юнон ривоятларини ёдга олайлик. Умумэлли байрамларининг энг олийси — Олимпиада ўйинлари юнонлар илоҳлар илоҳи деб ҳисоблаган Зевс шарафига уюштирилганлигида қатта ҳикмат бор. Олий илоҳ, унга сажда қилувчилар ўзлари улуглашаридек, фақатгина "мусаффо само", "яшин чақнатувчи", "булутларни ҳайдовчи", яъни бекиёс қудрат тимсолигидан эмас. Зевс, шунингдек, "ҳаёт бахш этувчи", юнон шоири Эсхил таъ-



СУРАТДА: Греция, Олимпия. Олимпиада ўйинлари машъаласи ёқилиши маросими.

Эфит томонидан ташкиллаштирилганлиги ҳақидаги ҳақиқий воқеалар афсоналарга уйқаш бўлиб кетган.


Ва ниҳоят олимлар миллоддан аввалги IV асрда олимпия-ониклар — умумэлли мусобақалари голиблари рўйхатини таҳлил этиш асосида ўша 292 та Олимпиадан биринчиси миллоддан аввалги 776 йилда бўлиб ўтган, деган илмий асосланган хулосага келганлар. Худди ана шу сана аниқ маълумотларга асосланган, илмий исботланган Олимпиада ўйинлари туғилган йил, деб эътироф этилади. Бу Олимпиада ўйинларининг тарихий даври, деб ҳисобланади.

Инсониятнинг неча минг йилликлардан иборат тарихида жангу жадалларнинг ҳам, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётда руй берган бекиёс ўзгаришларнинг ҳам санаб саногога этиб бўлмайди. Лекин кўп ҳолларда нима учун бу воқеалар эмас, балки бевосита Олимпиада ўйинлари кўна юнон, қолаверса биргина унинг эмас, балки бутун дунё адибу файласуфлари, ҳайкалтарошу рассомларини ҳам, ҳозирги давр ижод аҳлини ҳам тўққилантириб, руҳлантириб келган, келди ва келмоқда? Нега энг гўзал ҳайкалу рангтаъсирлар, шеър довлар шоху саркардалардан ҳам кўпроқ спорт майдонлари қахрамонларини мадҳ этади? Нима кўп — мўъжизага даъво қиладиган, инсоният тафаккури энг сўнгги ютуқлари ишга солиниб уюштириладиган томошалар, сайиллар, фестиваллар беҳисоб бўлган бугунги кунда ҳам Олимпиада ўйинлари ҳали-ҳамон қурраи заманимиздаги деярли ҳаммани — ирки, диний эътиқоди, миллати, қизиқишидан қатъи назар — миллиардаб кишиларни ўзига ром этмоқда?

Бу саволларга жавобни, эҳтимол, Олимпиада ўйинларининг асл қадриятларидан ишлаш ўринлидир.

1. ИНСОН ҚОМИЛЛИГИ НАМОЙИШИ

Инсон мавжудки, баркамолликка эришишга интилиб яшайди. Бунинг далили сифатида қояларда сақланиб қол-



СУРАТДА: Кўна Олимпдаги стадион.



Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилиги жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бундан ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик гоёларини кенг ёйишга хизмат қилиб келатган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфра-тузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутмади.

Улайимизки, мамлакатимизда бу улуг ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўйиш ниътида бўлган инсонлар, қорхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саҳоватпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТИР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотекан банки Меҳнат филиали.

САМАРАЛИ МУПОҚОТЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДА 30 МАРТ КҲНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАТОР КОМПАНИЯ ВА ҚОРХОНАЛАРИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁГАН ҚЎШМА ҚОРХОНАЛАР ҲАМДА АВСТРИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА КООПЕРАЦИОН БИРЖА БЎЛИШ ЎТДИ.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Австрия Иқтисодиёт палатаси ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбир Ўзбекистон — Австрия бизнес-форумининг мантикий давоми, икки мамлакат иш одамлари ўртасида бевосита мулоқотни кенгайтириш учун қўлай имконият бўлди. Бизнес-форумда кенг қамровли маълумотлар алмашилган, ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли соҳалари, устувор йўналишлари белгилаб олинган бўлса, кооперацион биржада бевосита шериклик алоқаларининг мўайян масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистондан юзга яқин фирма, компания ва қорхона раҳбарлари қатнашди. Австрия Иқтисодиёт палатасининг МДХ мақолатлари буйича ваколатхонаси раҳбари Йохан Кауэл бошчилигидаги ишбилармонлар делегацияси сафида ушбу мамлакатдаги "Ame International GmbH", "Austria Puma Dassler", "SBC Bottling and Canning", «Seys Data Base Publishing» каби ўттиздан зиёд етакчи компания раҳбарлари бор. Ҳамкорликнинг соҳалари жуда кўп — чинни ва биллур буюмлар, кабель ва ўтказгичлар, металл қонструкциялар, қурилиш материаллари, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ёритиш, алоқа, хавфсизлик, жумладан, ёнгин хавфсизлиги тизимлари, мебелсозлик, машинасозлик, тўқимачилик, қадоқлаш, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати, савдо воситачилиги ва маркетинг-консалтинг хизматлари шулар жумласидандир.

Австриялик ишбилармонлар Ўзбекистонда бизнес учун яратилган шароит ва имкониятлар билан танишдилар, вазирилик, компания ва ташкилотларда музокаралар ўтказдилар.

Айни пайтда Ўзбекистонда австриялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 23 қорхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг еттидаси тўлалигича Австрия сармойаси асосида ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда Австриянинг ўн та компанияси ўз ваколатхонасини очган. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 43,25 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Тошкентда ўтказилган бизнес-форум ва кооперацион биржа катнашчилари бу кўрсаткичлар янада юксалишига ишонч билдирдилар. Ўзбекистон ва Австрияда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга, қўшма қорхоналар сонини кўпайтиришга, биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қизиқиш ортиб бораётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Австрия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Иқтисодиёт вазириликларидан, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасида, Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлдилар. Музокараларда соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ва тиббиёт соҳаси мутахассислари малакасини оширишга ҳамкорлик, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш, Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнига Австрия сармойасини жалб этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Эркин ЭРНАЗАРОВ

